



## ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА ОИД НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Умурзаков Хусниддин Шавкатжон ўғли

Мустақил тадқиқотчи.

umurzakovhusniddin7@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19913228>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-aprel 2026 yil  
Ma'qullandi: 28- aprel 2026 yil  
Nashr qilindi: 30- aprel 2026 yil

### KEY WORDS

ҳарбий-ватанпарварлик  
тарбияси, тизимли ёндашув,  
экологик назария,  
конструктивизм, ижтимоий  
ўзлик, прагматик ёндашув,  
рақамли ватанпарварлик,  
ёшлар сиёсати.

### ABSTRACT

Мақолада ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимининг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган. Умумий тизимлар, экологик тизимлар, конструктивизм, ижтимоий ўзлик ва прагматик ёндашув назариялари ёшлар тарбиясига татбиқ этилган. Анъанавий усулларнинг самарасизлиги асосланиб, давлат ва фуқаролик жамияти институтларини ягона тизимга бирлаштириш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиш заруриятига эътибор қаратилган.

Бугунги кунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда анъанавий усуллари ўз самарасини йўқотди. Шу сабабли, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини илғор илмий назариялар-тизимли, экологик, конструктивистик, прагматик ҳамда фаолиятли ёндашувлар асосида тубдан қайта кўриб чиқиш ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Бу жараёнда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини таъминлаш эҳтиёжи мавжуд. Шу нуқтаи назардан бир қатор назарияларни таҳлил қилиш ва уларни ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқ.

**Умумий тизимлар назарияси.** Ушбу назария бугунги кунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги масъул ташкилотларнинг ҳамкорлигининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш имконини беради. Назариянинг асосчиси австриялик тадқиқотчи **Людвиг фон Берталанфи** ўз илмий ишларида умумий тизимлар назариясини илгари суради<sup>1</sup>. Унга кўра тизим элементлардан ташкил топган ва уларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати маҳсулидир. Агар тизим бир бутунликда ишламаса, сарфланаётган ресурс ва ўтказилаётган тадбирлар кўлами қанчалик катта бўлмасин, уларнинг механик йиғиндиси кутилган натижага олиб келмайди. Назарияга кўра, субъектлар фаолияти узвий алоқадорликда ягона тизимга (яхлитликка) айлантирилсагина, улар ўртасида самарадорлик юзага келади ва ёшлар онгида ҳарбий-

<sup>1</sup> Bertalanffy L. von. General System Theory: Foundations, Development, Applications. — New York : George Braziller, 1968. — 32-33p.

ватанпарварлик ҳисси шаклланади. Бугунги глобал ахборот маконида замонавий ёшлар ҳам очиқ тизим сифатида шаклланмоқда. Тадқиқотчи тизимнинг самарадорлиги элементларнинг ягона мақсад йўлида ўзаро алоқадорликда ҳаракатига бевосита боғлиқлигини математик усулда исботлашга ҳаракат қилган.

Берталанфи физика ва ижтимоий фанлар учун “очиқ тизимлар” концепциясини илгари сурган. Ёпиқ тизимлардан фарқли равишда, очиқ тизим ўзини доимий ташқи муҳитдан келадиган ахборот, энергия ва модда алмашинуви жараёнида сақлаб туради ҳамда такомиллашиб боради.

Ёшларни ташқи дунёдан, интернет ва оммавий маданиятдан узиб (ёпиқ тизимга айлантириб) тарбиялашнинг имкони йўқ. Шу сабабли, ватанпарварлик тарбияси тизими ташқи ахборот хуружларига нисбатан ожиз (фақат ҳимояланувчи) эмас, балки фаол бўлиши, ташқи муҳит оқимларини ўзида ҳазм қилиб, ёшларда соғлом ахборот иммунитетини шакллантириши керак.


Назарияга кўра, мураккаб тизимлар эволюцияси жараёнида марказлашув ва етакчи қисм ажралиб чиқиши жараёни содир бўлади. Бу шуни англатадики, тизимдаги муайян бир марказий элементнинг ишидаги кичик бир ўзгариш бутун тизимнинг хулқ-атворини белгилайди.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси соҳасидаги кўплаб ташкилотларнинг ҳаракатларини бирлаштириш учун давлат даражасида айнан шундай етакчи қисм, аниқ ваколатга эга бўлган ягона мувофиқлаштирувчи марказ фаолият юритиши лозим. Ушбу марказ барча тармоқларнинг ишини мувофиқлаштириб, бошқарувда тизимлиликни таъминлайди.

Бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, дунёқараши ва қизиқишлари турлича. Уларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитлари ҳар хил. Эквивалентлик тамойили давлатдан ҳар бир ёшлар қатламига индивидуал усуллар билан таъсир ўтказишни ва турли йўллар орқали ватан ҳимоячиси этиб шакллантириш каби ягона мақсадга эришишни тақозо этади.

**Экологик назария.** Давлат даражасидаги мақсадлар ва вазифалар (тизимлар) табиатига хос бўлган яна бир муҳим хусусият бу уларнинг тобора каттароқ тизимларга (яъни мақсадларга) бирлашиши ҳисобланади. Ушбу тамойил америкалик социолог **Ури Бронфенбреннернинг** “Экологик тизимлар назарияси” да ўз аксини топган<sup>2</sup>. Унга кўра, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси қуйидаги иерархик босқичларда шаклланиши лозим: микро-тизим (оила), мезо-тизим (мактаб, маҳалла ва тенгдошлар ўртасидаги муносабат), экзо ва макро-тизимлар (ОАВ, ижтимоий тармоқлар ҳамда давлат сиёсати) (1- расм).

<sup>2</sup> Козлов Н.И. / Теория экологических систем Ури Бронфенбреннера // Психологос.–01.01.2000.–манба: <https://psychologos.ru/articles/view/teoriya-ekologicheskikh-sistem-uri-bronfenbrennera>



### 1-расм. Ури Бронфенбрэннернинг экологик тизимлар назарияси.

Давлат сиёсати фақат юқори (макро) даражадаги қарорлар билан чекланиб қолмасдан, барча тизимлар ўртасидаги интеграцияни таъминлаши лозим. Тадқиқотчи ёшлар тарбиясида ушбу институтларнинг бевосита ва ўзаро ҳамкорлигининг аҳамияти катта эканини таъкидлайди. Давлат эса барча тизимларни ўз ўрнида ва юқори тизим билан алоқадорлигини таъминлаши ҳамда мувофиқлаштирувчи бошқарувчи бўлиши лозимлигини асослашга ҳаракат қилади.

Давлат томонидан очиқ сиёсат юритилиши эса ташқи, бегона тизимлардан таъсирларни юзага келтиради. Очиқ тизим ўзини доимий равишда ташқи муҳитдан келадиган ахборот, энергия ва таъсир алмашинуви жараёнида сақлаб туради ҳамда такомиллашади.

Тизимлар назарияси ва экологик тизимлар назариясини умумлаштирган ҳолда тизимли-экологик назария асосида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш сиёсатининг субъектларини ягона тизимга бирлаштириш ва уларни ягона мақсад йўлида ҳаракатлантиришда давлатнинг роли аҳамиятли. Ушбу назария асосида А.Бобер, В.П.Микрюков, Ҳ.Л.Лим<sup>3</sup> ва бошқа тадқиқотчилар ҳам ўз қарашларини игари сурганлар. Уларга кўра, ёшлар онгида ҳарбий-ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш жараёни оиладан бошланиб, таълим муассасалари ва қуроли кучларда давом этиши лозимлигини таъкидлайдилар. Юқоридаги институтларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини илгари сурилади.

**Конструктивизм назарияси.** Ушбу ёндашув **Бенедикт Андерсоннинг “Воображаемые сообщества” (Тасаввурдаги жамиятлар)** назариясидан келиб чиқади<sup>4</sup>.

<sup>3</sup>Bober A. The importance of raising defensive awareness among children and young people with the involvement of the Polish Armed Forces // Scientific Journal of the Military University of Land Forces. – 2022. – Vol. 54, № 4(206). – С. 473–493. – DOI: 10.5604/01.3001.0016.1755. – Манба: <https://doi.org/10.5604/01.3001.0016.1755> (мурожаат қилинган сана: 14.12.2025)., <sup>3</sup> Клименко П. В. Интеграция традиций и инноваций как ресурс патриотического воспитания курсантов военного вуза : дис. ... канд. пед. наук : 13.00.01 / П. В. Клименко. – Краснодар : ФГБОУ ВО «Кубанский государственный университет», 2019. – 53–57 с., Лим Х. Л. Perceptions of Emirati Youths on National Service at Initial Implementation Stage // SAGE Open. — 2018. — Т. 8, № 2. — Article 2158244018774827. — DOI: 10.1177/2158244018774827. — манба: <https://doi.org/10.1177/2158244018774827>.

<sup>4</sup> Андерсон Б. / Воображаемые сообщества: Размышления об истоках и распространении национализма (пер. с англ. В. Николаева; вступ. ст. С. П. Баньковской) // Кучково поле.–2016.–416 с.–манба:

Бенедикт Андерсон ўзининг “тасаввурдаги жамиятлар” назариясига кўра миллат ва миллий ғурур туйғулари инсонда туғма, яъни биологик хусусият эмаслигини, балки улар жамият томонидан мақсадли равишда яратилган ижтимоий-руҳий феномен эканлигини илмий асослашга ҳаракат қилган. Андерсон назариясига кўра, замонавий миллат ва давлат “тасаввурдаги” сиёсий ҳамжамиятдир. Давлатнинг турли ҳудудларидаги ёшлар ягона тил ва умумий медиа макон орқали ўзларини тенгдошлари билан бир бутунликда, яъни ягона ватан ҳимоячилари деган ижтимоий гуруҳнинг ажралмас қисми сифатида ҳис қилади.

Б.Андерсон ўз тадқиқотларида одамларни бирлаштирувчи ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи восита сифатида босма нашрлар кўрилган. Бироқ бугунги кунда глобал интернет тармоғи, ижтимоий медиа платформалари ва ижтимоий тармоқлар бу вазифани бажармоқда. Тадқиқотчи босма нашрлар (интернет) ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш турли ҳудудлардаги ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш самарали ва камҳаражат восита эканини таъкидлайди.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интернет орқали ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш турли ҳудудлардаги, турли ижтимоий қатламга мансуб ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришнинг энг самарали, таъсирчан ва тежамкор воситасидир. Виртуал макон чегара билмайди ва унда яратилган тўғри контент миллионлаб ёшларни бир вақтнинг ўзида қамраб олиш хусусиятига эга.

Шундан келиб чиқиб, ахборот ва мафкуравий хуружлар кучайган шароитда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш сиёсати фақатгина анъанавий усуллар билан чекланиб қолмаслиги лозим. Бугунги кун талаби замонавий медиа платформаларида мақсадли ва жозибадор рақамли контентни яратиш орқали ёшлар онгида миллий дахлдорлик ва “рақамли ватанпарварлик” феноменини шакллантиришдир.

Бир қатор халқаро тадқиқотчилар ҳам қарашларини ушбу назария ғоялари асосида қуришга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Ж.С.Леа, Д.Стефенсон, Ж.Трой, И.С.Якиманская, Е.Н.Степанов, В.В.Сериков, Е.В.Бондаревская, Г.Я.Гревцева, М.В.Циулина ва Э.А.Болодуриналар шулар жумласидандир<sup>5</sup>. Уларга кўра, таълим фақат билим бериш эмас, балки шахсинг ахлоқий қиёфасини, ижтимоий масъулиятини ва фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Қадриятларни мақсад сифатида белгилаш ва сингдириш ватанпарварлик тарбиясининг асоси ҳисобланади. Ёшларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва мустақил фикрлашини марказга қўйиш орқали уларда

<https://www.hse.ru/data/2016/10/23/1110949768/%D0%90%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D1%80%D1%81%D0%BE%D0%BD.%D0%BA%D0%BD%D0%B8%D0%B3%D0%B0.pdf>.

<sup>5</sup> Lea, S. J., Stephenson, D., Troy, J. “Higher Education Students’ Attitudes to Student-Centred Learning: Beyond ‘Educational Bulimia’.” *Studies in Higher Education*, 28(3), 2003, pp. 321–334., Якиманская, И. С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Сентябрь, 2000., Степанов, Е. Н. (ред.) Личностно-ориентированный подход в работе педагога: разработка и использование. М.: Сфера, 2004., Сериков, В. В. Образование и личность: теория и практика проектирования педагогических систем. М.: Логос, 1999., Бондаревская, Е. В. Теория и практика личностно ориентированного образования. Ростов н/Д.: Изд-во Ростовского пед. ун-та, 2000., Гревцева, Г. Я. “Гражданско-патриотическое воспитание учащейся молодежи как социокультурный процесс.” *Современная высшая школа: инновационный аспект*, 2019, т. 11, № 3 (45), с. 18–26., Гревцева, Г. Я., Циулина, М. В., Болодурина, Э.А. “Рефлексивно-оценочные технологии как фактор гражданско-патриотического воспитания студенческой молодежи в социально-культурной среде.” *Современные проблемы науки и образования*, 2016, № 3.

жамият ҳаётида онгли иштирок этувчи фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мумкинлигини эътироф этадилар.

**Ижтимоий ўзлик назарияси.** Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг психологик ва ижтимоий механизмларини таҳлил қилишда **Анри Тажфел ва Жон Тёрнер** томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий ўзлик назарияси муҳим аҳамиятга эга<sup>6</sup>. Ушбу назария ёшларнинг муайян ижтимоий гуруҳларга қўшилиш сабабларини ва уларнинг ўз гуруҳи билан психологик боғлиқлигини тизимли равишда тушунтиришга ҳаракат қилади. Тажфел назариясига кўра, ижтимоий ўзлик жараёни учта мантиқий босқич билан амалга оширилади. Биринчи босқичда, инсон ўзини ўраб турган оламни муайян гуруҳларга ажратади. Иккинчи босқичда, инсон ўзини муайян бир ижтимоий гуруҳга мансуб деб билади ва шу гуруҳнинг қадриятлари, хулқ-атвор нормалари ҳамда мақсадларини қабул қилади. Учинчи босқичда, инсон ўз гуруҳини бошқа гуруҳлар билан қиёслайди. Шахс учун ўз гуруҳининг бошқалардан устунлиги ёки обрўлироқ эканлиги унинг ўзлигини англаши ва ижтимоий мақоми учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур назария нуқтаи назаридан қараганда, ёшлар ўзлари қўшиладиган ижтимоий гуруҳни унга тақдим этиладиган ғурур, обрў ва ижтимоий мақом ҳамда ҳозирги кунда энг аҳамиятли бўлган иқтисодий имкониятга қараб танлайди. Агар давлатнинг ҳарбий-ватанпарварлик сиёсати ватан ҳимоячиси ёки ҳарбий хизматчи деган ўзликни замонавий, кучли ва жозибадор касб сифатида ёшлар онгига сингдира олмаса, тизимда ижтимоийлашиш нуқтаи назаридан бўшлиқ юзага келади. Бугунги глобал ахборот асри ва рақамли муҳитда ушбу бўшлиқ деструктив кучлар учун асосий хужум майдонига айланмоқда. Агар давлат мафқураси ёшлар учун юқори ижтимоий мақом ва ғурурланиш манбаи бўлолмаса, улар ўзларига керакли ўзига хос туйғуни бошқа, миллий манфаатларга зид бўлган манбалардан қидира бошлайдилар.

Бенедикт Андерсон ва Анри Тажфел назарияларига кўра, ҳарбий-ватанпарварлик туйғуси рақамли ахборот маконида мақсадли равишда шаклланиши ва у ёшлар учун энг нуфузли, жозибадор ижтимоий мақом сифатида тақдим этилиши керак. Бу ёт мафқуралар ва виртуал хуружларга қарши энг асосий самарали қалқон вазифасини ўтайди.

**Прагматик ёндашув.** Ушбу ёндашув тарафдорлари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фақатгина таълим-тарбия билан эмас, амалий ҳаракатлар натижасида уларда билим ва кўникмаларни шакллантириш лозимлигини илгари сурадилар.

Америкалик социолог Джон Дюи ўз тадқиқотларида пассив ўқитиш усулларини танқид қилиб, ўқувчиларга шунчаки ўрганиш учун нимадир бериш керак эмаслиги, балки бажариш учун қандайдир вазифа бериш уларга кўпроқ таъсир кўрсатишини илгари суради<sup>7</sup>. Тадқиқотчига кўра агар бу вазифа ёшларда фикрлашни талаб қилса, ўрганиш жараёни ўз-ўзидан, табиий равишда содир бўлади. Ушбу қоидага асосланиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварликка тарбиялашда уларни маърузаларга эмас, балки

<sup>6</sup> Saul McLeod, PhD / Social Identity Theory In Psychology (Tajfel & Turner, 1979) // Simply Psychology. – 05.10.2023. – манба: <https://www.simplypsychology.org/social-identity-theory.html>.

<sup>7</sup> Dewey J. Democracy and Education: An Introduction to the Philosophy of Education. – New York: Macmillan, 1916. – p. 181.

аниқ натижага йўналтирилган амалий ҳаракатларга жалб қилиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланади. Барча ҳақиқий ва тўлақонли таълим-тарбия фақатгина шахсий тажриба орқали юзага келади. Демак, ёшларда ватанга муҳаббат ва масъулият ҳисси улар реал ҳаётда жамиятга фойда келтирувчи ҳаракатларда шахсан тажриба орттиргандагина ҳақиқий эътиқодга айланади. Позитив ёшлар ривожланиши ва прагматизм тамойилларига кўра, уларни жамиятга мослаштириш жараёни янгича мазмун касб этади. Таълим-тарбия бу ҳаётга тайёргарлик кўриш эмас, балки ҳаётнинг ўзидир. Шу сабабли, давлатнинг ҳарбий-ватанпарварлик сиёсати ёшларни келажакдаги мудофаага захира сифатида тайёрлашдан воз кечиб, уларни бугунги куннинг ўзидаёқ давлат хавфсизлиги ва ижтимоий ҳаётининг фаол иштирокчисига (масалан, киберхавфсизлик ёки ИТ соҳасида) айлантириши лозим.

Прагматик тажриба концепциясига асосан, ҳарбий-ватанпарварликни экстремал ва тактик спорт турлари орқали сингдириш керак. Турли хил спорт мусобақалари ва экстремал шароитларда яшаш полигонлари орқали ёшларда жамоавий руҳ, интизом ва стратегик фикрлаш табиий равишда шакллантирилади. Тадқиқотчи ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик жараёнида орттирган кўникмалари уларнинг фуқаролик ҳаётида ва келажакдаги фаолиятида ҳам асқотиши керак. Масалан, ҳарбий алоқа ёки кибермудофаани ўрганган ёш йигит-қиз келажакда етук ИТ-мутахассис бўлиб етишишига ва бу унга иқтисодий манфаат келтиришига ишонч ҳосил қилиши керак. А.Н.Леонтьев, В.В.Гладких, А.С.Чухров, Г.М.Илмушкин, Н.С.Савинов, М.Метювс, Д.М.Раян ва Р.М.Лернерлар ҳам ёшларнинг ватанпарварлик тадбирларидаги иштироки уларда ватанга муҳаббат ҳиссини оширишини таъкидлайдилар<sup>8</sup>.

#### Хулоса.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимининг замонавий назарий-методологик асослари таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги глобал ахборот урушлари ва мафкуравий курашлар даврида анъанавий, тарқоқ ва пассив тарбия усуллари ўз аҳамиятини ва самарасини йўқотмоқда. Шу боис, мазкур жараёни яхлит тизимли-экологик, конструктивистик ва прагматик-фаолиятли ёндашувларнинг ўзаро синтези асосида қайта кўриб чиқиш ўта долзарб илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Ушбу назариялар орқали давлат сиёсатида янгича бошқарув ва таъсир механизмини яратиш мумкин. Энг аввало, давлат ва нодавлат институтлари ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаб, оила, таълим, маҳалла ва мудофаа тизимларини ягона экологик мақсад атрофида узвий бирлаштиришни тақозо қилади.

<sup>8</sup> Leontiev, A.N. (1975) Deyatel'nost'. Soznanie. Lichnost'. Манба: <https://www.marxists.org/russkij/leontiev/1975/dyeatyelnost/deyatelnost-soznyanie-lichnost.pdf>., Гладких, В. В. Системно-деятельностный подход к гражданско-патриотическому воспитанию молодежи : диссертация ... кандидата педагогических наук : 13.00.01. – Тамбов, 2011.–224 с., Гладких В.В. Системно-деятельностный подход как методологическая основа гражданско-патриотического воспитания молодежи. – Вестник Тамбовского университета. Сер. Гуманитарные науки, 2011, №4(96), 160–165-с., Гладких В.В. Специфика использования системно-деятельностного подхода в исследовании гражданско-патриотического воспитания молодежи.–Социально-экономические явления и процессы, 2011, №1–2 (23–24 с)., Чухров А.С. Деятельностный подход к воспитанию патриотизма у студентов инженерных специальностей.–Педагогическое образование в России, 2022., Илмушкин Г.М. Моделирование системы воспитания патриотических качеств студентов вуза с казачьим компонентом.–Современные наукоёмкие технологии, 2016, №12-1., Савинов Н.С. Деятельностный подход в патриотическом воспитании школьников на уроках труда (технологии).–Iurok.ru, 2024., Matthews M., Ryan D.M., Lerner R.M. Developing military leaders of character: The sample case of Lt. Gen. Robert L. Caslen, U.S. Military Academy Superintendent. Journal of Character Education. 2021; № 16 (1): 65–75.

Ўзбекистон шароитида аҳолининг асосий қисмини рақамли технологиялар ичида шаклланиб келаётган, дунёқараши кенг ва ўзига хос эҳтиёжларга эга бўлган ёшлар ташкил этиши мазкур комплекс ёндашувни қўллашни ҳаётий зарурат эканини кўрсатмоқда. Агар ёшлардаги энергия ва интилишлар аниқ амалий-технологик муҳофаа лойиҳаларига йўналтирилмаса, юзага келадиган ижтимоий бўшлиқ турли ёт мафқуралар ва бузғунчи субмаданиятлар томонидан эгалланиши хавфи ортади. Шу сабабли, миллий ёшлар сиёсатида анъанавий усуллардан воз кечиб, уларни мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг фақатгина кузатувчиси эмас, балки бевосита фаол иштирокчиси ва инновацион яратувчисига айлантириш энг тўғри стратегик йўл бўлиб қолмоқда

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bertalanffy L. von. General System Theory: Foundations, Development, Applications. — New York : George Braziller, 1968. — 32-33р.
2. Козлов Н.И. / Теория экологических систем Ури Бронфенбреннера // Психологос.– 01.01.2000.–манба: <https://psychologos.ru/articles/view/teoriya-ekologicheskikh-sistem-uri-bronfenbrennera>.
3. Bober A. The importance of raising defensive awareness among children and young people with the involvement of the Polish Armed Forces // Scientific Journal of the Military University of Land Forces. – 2022. – Vol. 54, № 4(206). – С. 473–493. – DOI: 10.5604/01.3001.0016.1755. – Манба: <https://doi.org/10.5604/01.3001.0016.1755> (мурожаат қилинган сана: 14.12.2025), Клименко П. В. Интеграция традиций и инноваций как ресурс патриотического воспитания курсантов военного вуза : дис. ... канд. пед. наук : 13.00.01 / П. В. Клименко. – Краснодар : ФГБОУ ВО «Кубанский государственный университет», 2019. – 53–57 с., Лим Х. Л. Perceptions of Emirati Youths on National Service at Initial Implementation Stage // SAGE Open. — 2018. — Т. 8, № 2. — Article 2158244018774827. — DOI: 10.1177/2158244018774827. — манба: <https://doi.org/10.1177/2158244018774827>.
4. Андерсон Б. / Воображаемые сообщества: Размышления об истоках и распространении национализма (пер. с англ. В. Николаева; вступ. ст. С. П. Баньковской) // Кучково поле.–2016.–416 с.–манба: <https://www.hse.ru/data/2016/10/23/1110949768/%D0%90%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D1%80%D1%81%D0%BE%D0%BD.%D0%BA%D0%BD%D0%B8%D0%B3%D0%B0.pdf>.
5. Lea, S. J., Stephenson, D., Troy, J. "Higher Education Students' Attitudes to Student-Centred Learning: Beyond 'Educational Bulimia'." *Studies in Higher Education*, 28(3), 2003, pp. 321–334., Якиманская, И. С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Сентябрь, 2000., Степанов, Е. Н. (ред.) Личностно-ориентированный подход в работе педагога: разработка и использование. М.: Сфера, 2004., Сериков, В. В. Образование и личность: теория и практика проектирования педагогических систем. М.: Логос, 1999., Бондаревская, Е. В. Теория и практика личностно ориентированного образования. Ростов н/Д.: Изд-во Ростовского пед. ун-та, 2000., Гревцева, Г. Я. "Гражданско-патриотическое воспитание учащейся молодежи как социокультурный процесс." *Современная высшая школа: инновационный аспект*, 2019, т. 11, № 3 (45), с. 18–26., Гревцева, Г. Я., Циулина, М. В., Болодурина, Э.А. "Рефлексивно-оценочные технологии как фактор гражданско-патриотического воспитания"

студенческой молодежи в социально-культурной среде.” Современные проблемы науки и образования, 2016, № 3.

6. Saul McLeod, PhD / Social Identity Theory In Psychology (Tajfel & Turner, 1979) // Simply Psychology.–05.10.2023.–манба: <https://www.simplypsychology.org/social-identity-theory.html>.

7. Dewey J. Democracy and Education: An Introduction to the Philosophy of Education. – New York: Macmillan, 1916. – p. 181.

8. Leontiev, A.N. (1975) Deyatel'nost'. Soznanie. Lichnost'. Манба: <https://www.marxists.org/russkij/leontiev/1975/dyeatyelnost/deyatyelnost-soznyanie-lichnost.pdf>, Gladkih, B. B. Системно-деятельностный подход к гражданско-патриотическому воспитанию молодежи : диссертация ... кандидата педагогических наук : 13.00.01. – Тамбов, 2011.–224 с., Gladkih B.V. Системно-деятельностный подход как методологическая основа гражданско-патриотического воспитания молодежи. – Вестник Тамбовского университета. Сер. Гуманитарные науки, 2011, №4(96), 160–165-с., Gladkih B.V. Специфика использования системно-деятельностного подхода в исследовании гражданско-патриотического воспитания молодежи.–Социально-экономические явления и процессы, 2011, №1–2 (23–24 с.), Чухров А.С. Деятельностный подход к воспитанию патриотизма у студентов инженерных специальностей.– Педагогическое образование в России, 2022., Илмушкин Г.М. Моделирование системы воспитания патриотических качеств студентов вуза с казачьим компонентом.– Современные наукоёмкие технологии, 2016, №12-1., Савинов Н.С. Деятельностный подход в патриотическом воспитании школьников на уроках труда (технологии).– 1urok.ru, 2024., Matthews M., Ryan D.M., Lerner R.M. Developing military leaders of character: The sample case of Lt. Gen. Robert L. Caslen, U.S. Military Academy Superintendent. Journal of Character Education. 2021; № 16 (1): 65–75.